


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5924,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 6,1 %га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 137,0 % ташкил қилди.

2018 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг аҳоли жон бошига 2068,2 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 4,9%га ўсди.

2018 йил январь-март ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,2 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 10,0 %), саноат – 106,2 % (51,7 %), қурилиш – 133,4 % (4,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,4 % (10,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 101,9 % (7,7 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 108,4 % (16,5 %) ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	4077,8	5924,3	106,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3754,8	5496,0	106,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	323,0	428,3	106,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3754,8	5496,0	106,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	413,1	548,3	101,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1739,6	3060,8	108,3
саноат	1604,1	2840,7	106,2
қурилиш	135,5	220,1	133,4
Хизматлар	1602,1	1886,9	104,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	459,2	556,6	101,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	400,8	421,3	101,9
бошқа хизматлари	742,1	909,0	108,4

Январь-мартда ялпи хуудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



Юқорида келтирилган диаграммада бирламчи секторнинг (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги) ЯХМ таркибидаги улуши 2017 йилдаги 11,0% дан 2018 йилда 10,0%га камайганлигини кўриш мумкин. Иккиламчи секторнинг (саноат ва қурилиш) улуши 46,3% дан 55,7%га ошди, учламчи сектор (хизматлар соҳаси)нинг ЯХМ таркибидаги улуши эса 42,7% дан 34,3%га камайди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 35,6% кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартда 44,2% ташкил қилди.

2018 йил январь-март ойларида ялпи хуудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 42,7% (2017 йил январь-мартда 34,3%)ни ташкил қилган.